

ЖАМОАВИЙ МЕХНАТ НИЗОЛАРИ ТУШУНЧАСИ ЎЗБЕКИСТОН ССР

МЕХНАТ ҲУҚУҚИ ТАЛҚИНИДА

Раҳимқулова Лола
Тошкент давлат юридик
университети ўқитувчиси

Жамият ривожланишининг муҳим белгиларидан бири ҳам инсонлар ўртасида фикрларнинг ёки манфаатларнинг турли-туман лиги билан баҳоланади. Манфаатлар тўқнашувининг содир бўлиши эса табиий ҳолат ҳисобланади. Шуниси эътиборлики манфаатлар тўқнашуви аксарият вазиятларда ижтимоий низоларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Яъни бир тараф иккинчи тарафнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиши учун қаршилиқ кўрсатади. Бу вазиятлар тарафлар ўртасида келишмовчиликларга олиб келади. Ўзбек тилининг изоҳли лўғатида “келишмовчилик” фикр, тушуниш, дунёқараш ва шу кабиларда бир-бирига мос эмаслик ҳамда қарама-қаршилиқ тушуниланган. Меҳнат низолари эса иш берувчи ва ходим (ходимлар) ўртасида меҳнат қонунчилигини қўллаш юзасидан, жамоа шартномасини ва ҳатто меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш оқибатида ҳам келиб чиқади.

Шуниси эътиборлики, СССР таркибида бўлган Ўзбекистон меҳнат қонунчилигида меҳнат конфликтлари тушунчасида ҳам ҳам ўша давр нафаси, меҳнатга оид давлат сиёсати акс этганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Хусусан, 1981 йилги Меҳнат ҳуқуқи энциклопедик лўғатида “меҳнат конфликтлари” тушунчасига қуйидагича таъриф қайд этилган. Меҳнат конфликтлари бу капитализмда меҳнат муносабатлари соҳасидаги тўқнашувлардир.

Иш кучининг олди-сотдиси, корхоналарда ва умуман жамиятда айрим ходимлар, шунингдек уларнинг группалари (коллективлари) нинг иқтисодий ва социал аҳволлари меҳнат конфликтлари учун сабаб бўлади. Меҳнат конфликтлари ходимларнинг меҳнат шартларини, ҳуқуқий статусларини ўзгартириш учун кураш муносабати билан (манфаатга оид) ёки юридик нормаларни қўллаш ва шарҳлаш ҳамда белгиланган меҳнат шартларининг ходимлар ҳуқуқининг соҳибкорлар томонидан бузилиши муносабати билан (ҳуқуқ конфликтлари) юзага келади. Коллектив меҳнат конфликтлари кўпинча манфаат конфликтлари, индивидуал меҳнат конфликтлари эса ҳуқуқ конфликтлари сифатида баҳоланади. Ходимларнинг коллектив манфаатларига зид келадиган ҳар қандай масала: иш ҳақининг миқдор ва методларини белгилаш ишчиларнинг классификация қилиш, ишлаб чиқариш нормаларини белгилаш ва ўзгартиришдаги нисбий келишмовчиликлар касба бирлашмалари ва ишчи вакиллари органлари фаолияти билан меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси, техника янгиликларини жорий этиш, корхонани

реконструкция қилиш, бошқа жойга кўчириш уни ёпиқ қўйиш билан боғлиқ ихтилофлар коллектив меҳнат конфликтларининг сабаби бўла олади. Бу каби коллектив конфликтларни ҳал қилиш усуллари коллектив шартнома тузиш, воситачи ёки меҳнат арбитри таклифини қабул қилиш, аниқ бир масала бўйича ходим жамоасининг талабини қондириш ёки бу талабларни буткул рад этиш ёки бўлса ўзаро битимга келиш ҳисобланади. Коллектив меҳнат конфликтини билдиришнинг кўриниши турлича ҳисобланади. Матбуотда мунозара олиб, ихтилофни тартибга солиш ва битимга келишиш мақсадида музокара олиб бориш, низони арбитражда ўтказиш кабилар. Бирок коллектив меҳнат конфликтларнинг моҳияти антагонистик синфларнинг турли хил тўқнашувларида бўлгани каби муайян иқтисодий ва сиёсий натижаларга эритиш мақсадида бир томоннинг бошқа бир томонга коллектив равишдаги ташкилий тазйида намоён бўлади. Ходимлар ва иш берувчилар муносабатинининг антагонистик характери муқаррар равишда шунга олиб борадики, кўп ҳолларда фақат оммавий ташкилий куч (намоийш кучи) гина юзага келган конфликтни ҳал қилишга қодир бўлади. Меҳнат конфликтлари йўлида ходимлар иш берувчиларга қарши курашда иш ташлашлар бойкотлар сари бора олади.

Синфий курашнинг кестиклашуви ходимлар синфини эксплуатация қилиш ва ҳўрлашнинг кучайиши ва капитализм умумий крезиси ривожланишининг ҳозирги босқичида меҳнат конфликтлари сонининг жуда ўсишига олиб келди. Бу айтқса коллектив конфликтларга хосдир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 542-моддасига кўра, жамоаларга оид низолар сифатида қуйидагилар юзасидан келиб чиқадиган низолар акс этган:

1. янги меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд меҳнат шартларини (шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлашни) ўзгартириш масалалари бўйича;
2. жамоа келишувларини, жамоа шартномасини, шунингдек қонунчиликка мувофиқ ходимларнинг вакиллари билан келишилган ҳолда қабул қилинадиган меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни тузиш ва ўзгартириш масалалари бўйича;
3. меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини қўллаш масалалари бўйича тартибга солинмаган келишмовчиликлар жамоавий меҳнат низоларидир.

Меҳнат низолари ҳал этилиш усулига қараб даъво хусусиятига ва даъвосиз хусусиятга эга бўлиши мумкин.

Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини, меҳнат шартномасини қўллаш масалалари бўйича юзага келадиган низолар даъво хусусиятига эга низолар (ҳуқуқ тўғрисидаги

низолар) жумласига киради. Даъво хусусиятига эга бўлган якка тартибдаги ва жамоавий низолар меҳнат низоларини кўриб чиқувчи органларда кўриб чиқилади. Даъво хусусиятига эга бўлган меҳнат низоларини кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида тарафларнинг ихтиёрий розилиги асосида улар томонидан ўзаро мақбул ечимга эришиш мақсадида низони медиатор кўмагида бартараф этиш тартиб-таомили қўлланилиши мумкин.

Янги меҳнат шартларини белгилаш ва мавжуд меҳнат шартларини (шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашни) ўзгартириш, жамоа келишувларини, жамоа шартномасини ёхуд қонунчиликка мувофиқ ходимларнинг вакиллари билан келишилган ҳолда қабул қилинадиган ички ҳужжатларни тузиш, ўзгартириш масалалари бўйича юзага келадиган жамоавий ҳамда якка тартибдаги меҳнат низолари даъвосиз хусусиятга эга бўлган низолар (манфаат ҳақидаги низолар) жумласига киради. Даъвосиз хусусиятга эга бўлган жамоавий ва якка тартибдаги меҳнат низолари яраштирув-воситачилик тартиб-таомилларини ёки медиатор кўмагида низони тартибга солиш тартиб-таомилларини қўллаш орқали ҳал этилади.